

Риё учун қилинган садақа қаттиқ тошнинг устига тўпланиб қолган озгина тупроққа ўхшайди



11:07 / 17.05.2020 3073

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

وَابِلْ فَأَصَابَهُ تُرَابٌ عَلَيْهِ صُفْوَانٍ كَمَثَلِ فَمَثَلُهُ. الْآخِرِ وَالْيَوْمِ بِاللَّهِ يُؤْمِنُ وَلَا النَّاسِ رِثَاءَ مَا لَهُ يُنْفِقُ كَالَّذِي وَالَّذِي بِالْمَنْ صَدَقْتُمْ تُبْطِلُوا أَلَاءَ أَمْثُوا الَّذِينَ يَتَأْتِيهَا
(٦٦) الْكَافِرِينَ الْقَوْمِ يَهْدَى لَا وَاللَّهُ كَسَبُوا مِمَّا سَاءَ عَلَى يَقْدِرُونَ لَا صِلَاً فَتَرَكَهُ.

Эй иймон келтирганлар! Садақаларингизни миннат ва озор бериш билан, Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирмаса ҳам, молини одамлар кўриши учун нафақа қилганга ўхшаб, ботил қилманг. У мисоли устини тупроқ босган, сўнгра кучли ёмғир ёғиб, уни сип-силлиқ қилиб қўйган ясси тошга ўхшайдир. Касб қилган нарсаларидан бирор нарсага қодир бўлмаслар. Ва

Аллоҳ кофир қавмларни ҳидоят қилмас. *(Бақара сураси, 264-оят).*

Ушбу ояти каримада садақадан кейин миннат қилиб, озор бериб, қилган яхшилигининг савобидан бебахра қолиш ажойиб бадийи васф билан тасвирланяпти. Бу билан мусулмонлар қалбида мазкур ишнинг нақадар ёмон иш экани жонли тасвирланмоқда. Оятнинг аввалида садақани миннат ва озор бериш билан ботил қилмасликка амр бўляпти. Кейин эса, агар шундай қилинса, риё учун садақа қилганга ўхшаб қолишининг баёни келяпти:

«Эй иймон келтирганлар! Садақаларингизни миннат ва озор бериш билан, Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирмаса ҳам, молини одамлар кўриши учун нафақа қилганга ўхшаб, ботил қилманг».

Демак, ортидан миннат ва озор келадиган садақа Аллоҳга ва охират кунига иймон туфайли эмас, балки риёкорлик учун қилинган садақага ўхшар экан. Ўз навбатида:

«У мисоли устини тупроқ босган, сўнгра кучли ёмғир ёғиб, уни сип-силлиқ қилиб қўйган ясси тошга ўхшайдир».

Асли чатоқ бўлгани учун ушбу қилинган яхши амал унинг эгасига юқмайди. Риё учун қилинган садақа силлиқ, бетаъсир, қаттиқ тошнинг устига тўпланиб қолган озгина тупроққа ўхшайди. Ёмғир ёғса, ундан наф олиб, ўсимлик ўстиришнинг ўрнига, ювилиб, оқиб кетади ва силлиқ, қаттиқ тош очилиб қолади. Бу тарзда садақа қилувчилар

«Касб қилган нарсаларидан бирор нарсага қодир бўлмаслар».

Яъни, улар ҳеч қандай савоб олмайдилар.

«Тафсири Ҳилол» китобидан